



ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА

(2-кисм)

Авваллари чойхона дейишса, одамлар вақт ўтказиш учун шунчаки кириб ўтирадиган бир

жой деб ўйлардим. Аммо у тасаввуримдагидан бошқачарок экан. Шахардаги жамики янгилик борми, миш-миш борми, узункулок гап борми – бари энг олдин шу ерда маълум бўларкан. Одамлар хасратию хурсандлигини, кайгусию гийбатини шу ерга кўтариб келаркан. Биров шеригига юрагини бўшатиб, ўзи бошқасига тасалли бериб ўтираркан. Бу ерда сиёсату спорт хам, бозордаги нарх-навою Якин Шаркдаги можаро хам, фалон рахбарнинг хулк-атворию, пистончининг ишдан кетиши хам, хамма нарса гапирилаверар экан. Чет элларда жамоатчилик фикрини ўрганиш учун кўша-кўша махкамалар очиб, канча-канча ходимларга беҳуда маош тўлаб юришибди. Ўшаларнинг калласи тузук ишламас экан. Бунинг ўрнига хар шахарга бештадан чойхонани очиб кўйиб, одамларнинг фикрини ёзиб олавер!

Ишонмасангиз, мана бу "гурунг"га бир кулок солинг-а:

– Кеча денг, махалламизда бир тўй бўлди, ёпирай. Тўй килган терифуруш-да, пули кўп. Пулидан хам ошнаси кўп экан денг, бўлди кистир-кистир. Сатта элликталик, юзталик. Пул ёгилиб кетди. Халиги хизмат кўрсатган артист денг, буни кўриб, овози хириллаб, кулогидан нафас олиб колсаям, ашулани тўхтатмайди денг! Назаримда, битта машинанинг пулини ишлаб олди-ёв...

– Тўкчилик-да, тўкчилик. Сувники сувга, колди катикнинг пули, деганларидай, текин топган шунака сочади. Охири жойига топширгунча ўйнагани қолади.

– Хой бунисиям холва экан. Энди мана бунга нима дейсиз. Холпош гажжакни биласизлар, тилла билан ўралашиб туради. Шуни кўлга олишибди. Уйини тинтув килишса, кўлга илингудай хеч нарса йўкмиш. Олти яшар дудук кизи бор экан, хадеб тахмонга ишора килаверибди. Кўрпаларни агдариб, уйнинг деворини бузиб кўришибди. У ердан топилган кутида йигирма минглик заём, бриллиант кўзли иккита балдок, яна канча тилла буюм чикибди. Гажжак аламидан кизининг бошига теша билан туширган экан, у гапириб юборганмиш.

– Бир ёмонликнинг бир яхшилиги бор деганларидай, ўртада дудукнинг тили очилиб копти-ку!

– Эшитдингларми, янги шахарда бир бола иккинчи каватнинг айвонидан ўзини ерга

ташлапти. Нимага дейсизми? Анигини билмадиму, назаримда онаси бузилиб кетган экан. Боланинг олдида уйга бегона эркак бошлаб келганмиш. Кўшним "тез ёрдам"да ишлайди-да, ўша гапириб колди.

– Ёш бола пок бўлади, харомни хазм килолмайди. Онасининг касофати бола бечорага урипти-да, бай, бай! Хай, ўзи тирик эканми?..

Шу тарика чойхўрлар гоҳ газабланади, гоҳ шарақлаб кулади, афсус чекади ва тасалли топади, куйиб-пишиб гапини маъкуллайди ва огзини ланг очиб, бошкаларнинг хикоясига кулок солади.

Чойхўрлар икки тоифага бўлинаркан. Доимий мижозлар кўпрок. Улар шу ерда кунига бир бор чойхўрлик қилмаса, носковогини йўкотган кашандадай гангиб қолади. Бошка бир тоифаси шунчаки йўли тушиб, чанкогини босиш ёки нафас ростлаш учун бу ерга қиради. Булар вакур-вукур суҳбатга жимгина кулок солиб ўтиради. Чойи тугагач чойнак копогини тўнкариб, унга чакасини ташлайдию секин гойиб бўлади.

Кўпинча хайрон қоламан: дунёда шунча одам бору, нега сира-сира бир-бирига ўхшамайди? Чехраси мос келса, хулк-атвори тўгри келмайди. Гавдаси ўхшаса, овози бошқача. Бири – семиз, иккинчиси чўпдай орик, буниси малла бўлса, наригиси хабашнинг ўзгинаси, бири гапдон, бошқаси огзига талкон солиб олгандай гунг, манависи лапашанг, анависи тухумнинг туқини олиб, бурганинг думини узволадиган туллак.

Чойхўрларнинг ҳам бирорта қилигими, гап-сўзими, башарасими ажралиб туради. Хув анави, тўрда ўтирган дўнгқалла, торпешона одам бир гапириб, ўн кулади. Сўз бошлашдан олдин "ха-ха"лаб кўяди. Арвоҳдай орик, коп-кора, хикилдоги ўрнида чуқурчаси бор кўкдўппили одам тинимсиз йўталаверади. Кўзидан ёш чикиб кетгунча йўталса ҳам, муштугига арзон сигарета жойлаб, кемшик тишлари орасига кистириб олади. Кетмон сокол, кўзлари ўйнаб турадиган чол пулемётдака тинимсиз сайрайди. Ёнига билмай ўтириб қолган чойхўр дарров бошка жой ахтариб қолади.

"Штат"ли чойхўрларнинг кўпини таниб олдим. Хали тонг оқармай автобус хайдовчилари қириб келади. Қаймоқка иссик нонни ботириб еб, гангир-гунгир валаклашиб чой ичишади. Суҳбат мавзуси бир хил: "кечаси гаражда яна фаранинг ойнасини уриб

кетибди", "балонимда бирорта тиши йўк, янгисини кимга беряпти, хайронман", "кеча йигирма сўм лева кипман", "энагар катикчи яна каймокка алланимабало кўшибди, захар-а, захар!"

Кейин бозорга ковун-тарвуз, сабзавот туширганлар киради. Улар бозорда ётиб, чойни шу ерда ичишади. Паттачининг ноинсофлигидан, дорини кўп солворгани учун ковунларнинг ичи тушиб колаётганидан, олибсотарларнинг мугомбирлигидан нолиб кўйишади.

Кўпинча харсиллаб-пишиллаб рўпарадаги дўконда гўшт сотадиган кассоб пайдо бўлиб колади. Хали ўтирмасдан "хой бола, чойдан опке, айт, аччикрок дамласин", дейди. Кейин сарик кўн этигини ҳам ечмай, тўрга чикиб ўтириб олади. Танишми-нотанишми, ёнидаги одамнинг дам енгидан тортиб, дам елкасига нукиб, мол бозоридаги хангомалардан айтиб, гапга тушиб кетади. Шеригини огиз очиргани кўймай, чойи совиганига карамай сўзлайверади.

Беш-олти нафакачи чол ҳам доимий мижозларимиздан. Абжиргина, бошкалардан тетикрок ва кувнокрогининг галати "касали" бор. Ўттиз йилдан буён газета-журналлардаги "Ўкинг, кизик", "Шунакаси ҳам бўлади", "Курама" деган сарлавхалар билан босиладиган хангомаларни йигиб юраркан. Мамарайим аканинг айтишича, шунака гаплардан ўнта папкани тўлдирганмиш. Хатто "бир одамнинг буйрагидан олти кило тош олишибди" деган гапга ишонмаган танишидан гаровга зиёфат ютиб олган экан. У чойхонага кириб келиши билан улфатлари дарров "Хўш, мулла Мусавой, янгисидан борми?" деб китиклаб кўйишади. У худди шуни кутиб тургандай, чайнаётган нонини чала ютиб, дарров бошлайди.

– Яқинда "Труд"да ёзибди: бир аёл йигирма икки йилдан уйкудан кўз очмасмиш...

Орик, эчкисокол, бошига ок дўппи кийган чол доим яктагининг бир енгини чиқариб юради. Аввал хайрон бўлардим. Кейин билсам, енгиди беданаси бор экан. Баъзида енгидан беданасини чиқариб, узок томоша килади. Куш билан эринмай "гаплашади". Кейин яктагидан когозга ўроглик тухумнинг саригини, чигиртканинг канотини олиб, кўлидаги беданага тутди. Унинг овкатланишини завкланиб кузатиб туради. Сўнг пиёлага чой куяди. Уни узок айлантириб совутади. Кейин чойни хўплаб, огзида беданасига ичиради. Парранданинг корни тўйиб, чанкоги босилганидан кўнгли тўлгач, авайлабгина яна енг ичига олади.

Футбол ишкибозлари ҳам чойхонамизни пакка килиб олишган. Улар "Лахтак" командасининг хар бир ўйинчисини ўз ўгилларидан кўра яхшироқ билишади. Тогаевнинг нечанчи туфли кийишию, Норбоевнинг канча боласи борлиги ҳам колмайди. Ўйин бўлган куннинг эртасига маслахатга йигилган врачлардай тўпланиб олишади. Олдиларига чойнак кўйволиб, ўйиннинг шунаканги авра-астарини чиқариб ташлашадики, агар буни Ахбор Имомхўжаев эшитса, шартта шархловчиликни йигиштириб кўярди.

– Учинчи минутда Кабанов тўпни тўгри ошириб бермади-да зангар, юз фойиз гўл эди.

– Э, хаммасига Медведов айбдор. Тренер билан гижжиллашиб колгани учун стадионда номига судралиб юрди-да.

– Эшитдингларми, Климчук бошка командага кетармиш. Ок "Волга" сўраган экан, сарик "нўл олти" ваъда килишибди. Шунга зарда килиб колганмиш.

– Э, шуюм иш бўлдимми? Ўн битта давангир йигит битта ўйинни эпполмаса, минглаб одамларнинг дилини хуфтон килиб ўтирсаю, танобини тортиб кўядиган бирорта мард топилмаса. Ахир улар бутун шахримиз номидан ўйнашади, шахримиздаги халкнинг шаънини химоя килолса ўйнасин-да! Шарманда килгани-килган бизни! Агар менга колса, хаммасига этак бойлатиб, пахта тердирардим.

– Э, калланг ишламас экан! Агар бирортасига "сен" деб кўйгин, эртасигаёк лаш-лушини кўтарадию, хайр-маъзурни насия килиб, бошка командага жуфтагини ростлаб колади...

Ишкибозлар гохо шунаканги тортишиб кетишадики, хозир бирортаси чойнак билан шеригининг бошига тушириб колмасайди, деб пўкиллаб тураман.

Баъзан чойхонага, Мамарайим ака айтмокчи, "чўнглам" ҳам кириб туришади. Ёзнинг иссиқ кунда ҳам костюм кийиб, галстук такиб юрадиган кайсидир идоранинг бошлиги билан, огзи тўла тилла тиш, силлик юзли, салобатли амаки тез-тез келишади. Бир-икки

кўл шахмат ўйнашади, папирос буркситиб, нималарнидир шивир-шивир мухокама килишади. Улар кириб келиши билан аллакаёқдан Тога ҳам пайдо бўлиб қолади. Менга янги кўрпача солишни, Мамарайим акага жавондан лаби учмаган чойнак-пиёла олишни, чойнинг тозасидан аччикрок килиб дамлашни буюради. Кейин улар билан бироз чакчаклашади, бир-икки аския килишади. Аскиялари кизик чикмаса ҳам, Тога котиб-котиб қолади. Сўнг Мамарайим акага секин имлайди: "Бохабар бўлиб тулинг, зарур одамлар. Гиёсовнинг акалари прокурор билан гап ейишади" , дейди.

Шунака пайтда Тогага ачинаман. Ундан хафа ҳам бўламан. Бир вақтлар манаман деган полвонларни чархпалак килиб ерга урган, ҳеч кимга гап бермай юрган одам энди ўзининг ярмича келадиганларнинг олдида кўл ковуштириб турса, одамга алам киларкан.

Баъзи-баъзида Абдурайим телба кириб қолади. Ўттизларга борган, кимдир берган кенг шимни кийиб, белини чилвир билан боғлаб олган, соч-соқоли ўсик йигит. Шунда чойхўрларга эрмак топилади. Биров уни чойга таклиф қилади, бошқаси кўлига пул тутказади. Кейин уни гапга солишади:

– Хўш мулла Абдурайим, энди тўйни қачон қиламиз?

– Нон ёптини эртасига, – дейди у лунжини тўлдириб нон чайнарган.

– Хўп уйлансанг нима қиласан хотинингни?

– Кучокла-а-б ётаман. Кейин манга кўпгина ўгил тугиб беради, – дейди у атрофдагиларга тиржайиб.

Яқиндан буён янги чойхўр пайдо бўлиб қолди. Новча, соқлари тўқилган, бурнининг тагида кўнгиздай мўйлови бор. Кител ичидан оппоқ кўйлак кийиб юради. Бирор марта қулганини кўрмадим. Кўп гаплашмайди ҳам. Ҳеч ким билан иши йўқ, индамай ўтираверади. Шунинг учун унга Индамас амаки деб от қўйиб олдим. Келиши билан чой обораман. Бир чойнак чойни икки соатча майдалаб, хаёл суриб вақт ўтказади.

Бир куни Тогадан янги чойхўрнинг кимлигини сўровдим, жахли чикиб, кўл силтади:

– Э, кўявер, малимларнинг идорасида ишларди. Бетгачопарлиги, захар тиллиги учун катталарнинг назаридан қолиб, амалдан тушган. Илгариям шунака ичи кора, борингда кўролмас, йўгингда беролмас одам эди. Кариса ҳам ўзгармади. Махаллага ҳам тузук аралашолмайди.

Тога шундай деб нари кетгач, Мамарайим ака ўзича тўнгиллаб колди:

– Ўзингнинг бирор тукинг ўша одамга ўхшаганда-ку, ярмингни ёзга, ярмингни кишга кўярдинг! Тўгри сўз, айбингни шартта-шартта гапирадиган одам кимга ёкибди. Мушугингни ҳам мактасанг, бошини силаб олдига лакка гўшт кўйсанг, сенга суркалади, бўлмаса ёнингга йўламайди. Ё гапим нотўгрими, а?

Тушунолмай колдим. Тога унака деса, Мамарайим ака бунака деса. Харкалай Мамарайим аканинг гапида жон борга ўхшайди. Индамас амакининг асабий кимтилган лабларида, одамга синчковлик билан бокадиган кўзларида пинхона дард яшириниб ётганга ўхшайди.

Чойхўрлар ана шунака бир-бирига ўхшамаган, сўзамол, бир-биридан гаройиб одамлар. Уларни яхшироқ билиб оламан деган одам чойхонага келиб, бир чойнак чойни олдига кўйволиб ўтирса кифоя.

(Давоми бор...)

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН